O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 21 июль, № 142 (4295) Шанба




# БАРКАМОЛ АВЛОД, СОҒЛОМ МИЛЛАТ

## тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир



*Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн олти йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, ислоҳотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсатда қилинган ишларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнгилларимиз ифтихорга тўлади.*

### Эзгу қадам

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Бу ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун олиб борилаётганлиги барчамизга кундек равшан.

Замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш — бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош вазифасидир. Мақсад эса, ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни вояга етказиш, миллатни соғломлаштиришдан иборат.

Истиқлолимизнинг илк пайтларидаёқ бу борада дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вужудга келганлигини эслайлик. Мустабидлик йилларида кимёлаштириш сабабли заифлашган авлодларни ва янги туғилаётганларни соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини, халқимизнинг тиббий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган мазкур жамғарма томонидан ўтган йиллар мобайнида кўпгина хайрли, савобли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда диққатга сазовор бўлган яна бир воқеани айтишни жоиз билдик. 1993 йилда мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Ушбу орден билан ҳар йили халқимизни соғломлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи инсонлар мукофотланадилар. Очиғи, соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги йўлида ташланган бу каби қадамлар ўз вақтида нафақат она замини, суву ҳавоси, балки насли ҳам офатлар исканжасида қолган эл учун катта воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Н.Кучерскийни «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Кучерский Николай Иванович "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 июль

# ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ – МУҲИМ ВАЗИФА

***Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган. Хусусан, бунда жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш борасида қилинаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Мустақиллик йилларида жиноий жазоларнинг изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштирилиши йўлида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги муҳитни янада соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Масалан, республикамизда ўтган йили 2000 йилдагига нисбатан қотиллик 20 фоизга, безорилик 6 фоизга камайди. Халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглик ва инсонпарварликка асосланган қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институти жорий этилди.

Бугунги кунда халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир.

Қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари асосида ўлим жазосининг бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазо чораси қўлланилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, шунингдек, қамоққа олишга

(Давоми 3-бетда).

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## "СУДЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА, ҲАРБИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА, СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил**

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

57. Судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяликка номзодлар захирасида турган ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кунидан эътиборан уч йил мобайнида амал қилади.

58. Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда, судьяликка номзодлар захирасида турган шахслар бу ҳақда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан хабардор қилинади. Бунда ушбу Низомнинг 57-моддасида назарда тутилган судьялик лавозимига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган тақдирдагина хабардор қилинадилар.

Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширадилар, мазкур имтиҳон натижаларига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

59. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларнинг судьялик лавозимига лаёқатлилиги даражасини судларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда, имтиҳон қабул қилиш йўли билан баҳолайди. Бунда уларнинг меҳнат фаолияти, шахси ва дунёқараши эътиборга олинади.

Судьяларнинг малака ҳайъати бўш бўлган судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки нафар номзодга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

$59^1$. Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига сайлаш ёки тайинлаш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади".

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 июль
№ ЎРҚ — 103

8

рининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин, агар";

8) **72-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг хулосасига асосан киритиладиган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади";

9) **74-модданинг иккинчи қисмидаги** "Олий хўжалик суди Пленуми томонидан" деган сўзлар "хўжалик судлари судьяларининг конференциясида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 12-модда) **2-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича Ҳарбий ҳайъат раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосаридан, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади".

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 23-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

"Судьялар олий малака ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан сайланади.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялари орасидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари лавозимларига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари раислари ҳисобланади";

4

2) **8-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раиси судьяларнинг малака ҳайъати фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда судьяларнинг малака ҳайъати зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Ҳайъат раиси йўқлигида унинг вазифасини судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раиси ўринбосари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьялар малака ҳайъатлари раисларининг судья кадрлар билан олиб борилаётган ишларнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва уларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа йўсиндаги қоидабузарлик фактлари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раисини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли";

3) **9-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини ташкилий-техника жиҳатидан таъминлашни, аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олишни, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишни тегишли суд раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган судьялар малака ҳайъати котиби амалга оширади";

4) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялик лавозимларига захирада турган шахсларни белгиланган тартибда ўқитишни ҳам ташкил этади";

5) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **$8^1$-банд** билан тўлдирилсин:

"$8^1$) судьялик лавозимларига захирада турган шахсларни белгиланган тартибда ўқитишни ташкил этади";

6) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"24. Ваколат муддати тугаётган судьяларга нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади";

7) **47-модда биринчи қисмининг**:

**учинчи хатбошисидаги** "туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар" деган сўзлар "туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан алмаштирилсин:

5

# ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ — МУҲИМ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши судьяларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини янада оширади, жиноят ишлари бўйича жараённинг барча қатнашчиларидан жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида адолат, қонунийлик тамойилларига қатъий амал қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ тайёрланган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар маъқуллангани ҳамда уларни 2008 йил 1 январдан кучга киритиш белгилангани юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Мамлакатимизда инсонпарварлик руҳига йўғрилган ушбу қонунларни кучга киритиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари изчил давом этмоқда. Бу тайёргарлик жараёни суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мазкур қонунларнинг ижросини таъминловчи давлат ҳокимиятининг бошқа институтлари, суд-ҳуқуқ соҳаси мутахассислари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Жумладан, 14-20 июль кунлари Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, суд, тергов, прокуратура ходимлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида жойларда ана шу қонунларни тарғиб этиш, қўллаш тартиби ҳамда ижросини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга бағишланган минтақавий кенгашлар ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида шу мавзуда ўтказилган йиғилишда шаҳар ва туманлардаги жиноят ишлари бўйича судлар раислари, прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Рустамбоев, Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А.Шарофуддинов ва бошқалар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган кенг кўламли самаралар ҳақида батафсил тўхталдилар.

Таъкидланганидек, ҳар қандай қонуннинг самараси, аввало, ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимлари томонидан унинг нормалари қай даражада тўғри ва тўлиқ тушунилишига боғлиқ. Шу боис мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва халқимизга тўла етказиш ҳамда кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот борасида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазирликлар ва ташкилотларнинг асосий вазифаларидандир.

Бунда Адлия вазирлиги томонидан яратилган қонун ҳужжатларининг миллий базаси, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» нашри ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди. Мазкур қонунларни қўлловчи суд-ҳуқуқ тизими ходимлари республика Юристлар малакасини ошириш марказининг ўқув курсларида ўқитилади.

Шунингдек, қайд этилган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятини ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самарасини кенг жамоатчиликка, дунё ҳамжамиятига етказишга йўналтирилган нашрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Йиғилишда қамоққа олишга санкция беришнинг тартиби ва уни қўллаш шартлари, шунингдек, жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қоидаларини амалда жорий этиш бўйича берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Айнан шу мавзудаги минтақавий семинар-кенгашлар Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Б.Мустафоев, Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари раислари М.Ражабова ва Н.Исмоилов Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланганлиги юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар демократик сиёсат самараси эканлигини қайд этиб, мазкур тарихий қонунларнинг амалий аҳамияти хусусида атрофлича тўхталдилар.

Қонунчилигимиздаги ўлим жазоси билан боғлиқ жараён изчил ислоҳ қилингани алоҳида қайд этилди. Уни қўллашнинг босқичма-босқич камайтирилиши ва, ниҳоят, бутунлай воз кечилиши жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналишидир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жиноят қонунчилигида ўта оғир 33 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, йиллар давомида бундай моддалар сони қисқартириб борилди ва ҳозирга келиб, ўлим жазосини назарда тутувчи фақат иккита модда қолди. 2008 йил 1 январдан эса бундай жазо тури бутунлай бекор қилиниб, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Жазонинг бу тури хотин-қизларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд жараёнида тортишиш принципи, ҳимоячининг иштирок этишига имкон туғилиши ҳамда суднинг ажрими устидан апелляция тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи вужудга келишида муҳим омил бўлади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар моҳияти инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали муҳофаза этилишини таъминлашдан иборатдир.

Семинар-кенгашларда ушбу қонунларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш суд-ҳуқуқ идоралари ходимларидан алоҳида масъулият, пухта билим ва юқори малака талаб этиши таъкидланди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари қоидаларини амалда татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган шундай семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар, хусусан, номи юқорида қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида батафсил сўз юритилди.

Қайд этилганидек, қабул қилинган мазкур қонунлар Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг узвий ва мантиқий давоми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда асосий эътибор қабул қилинган қонунларни амалиётда татбиқ этиш жараёнида вужудга келадиган масалаларга қаратилиб, иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига батафсил жавоб берилди.

Шу ўринда жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир амалий самарасидир.

Бугунги кунда дунёнинг ўлим жазоси бекор қилинган 122 мамлакати қаторига энди Ўзбекистон ҳам киради. Яқинда жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази ўтказган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, ҳамюртларимизнинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлардан хабардорлик даражаси доимий равишда ўсиб бормоқда. Сўровда қатнашганларнинг 90 фоизи давлатимиз раҳбарининг жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш тўғрисидаги қарорини маъқуллаган. Бу жамоатчилик фикрининг жиноий жазо тизимини инсонпарварлик томонига ўзгараётганлигидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга мос бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Бинобарин, инсон ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

**(ЎзА).**

## «Маънавият ёғдуси»

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий урф-одатларимизга муҳаббатни сингдиришда ҳикматли сўз, матал ва мақолларнинг аҳамияти беқиёс. Шуни инобатга олиб, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Маънавият ёғдуси" стенд мажмуаси ташкил этилди.

Унинг тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ҳадису шарифлар ва ҳикматларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия жараёнидаги таъсири хусусида тўхталдилар.

"Маънавият ёғдуси", бу деворий бадиий — "ҳаракат"даги стенддир. У ўзининг янгилиги, чуқур мазмунга эгалиги билан талабаларни жалб этиши аниқ. Зеро, ҳар куни донишмандларнинг сўзлари билан янгиланиб турадиган ёзувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

— Айтилажак сўз, билдириладиган фикр-мулоҳазанинг туб моҳиятини англаш талабага катта наф беради, — дейди «Маънавият ёғдуси"нинг ташаббускори, таниқли элшунос олим Билол Аминов. — Бу борада ҳадислар, ҳикматларнинг маъносига қизиқиш уйғотилса, айни муддаодир. Дарсга кираётган талаба стенддаги ҳикмат ёки ҳадисни ўқиб, уни кўнглига жойласа, биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

**М. ЖОНИХОНОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### 20 киши гаровда



Ўтган тунда Афғонистон пойтахти Қобул шаҳридан 100 км. жанубда 20 нафар жанубий кореялик фуқаро гаровга олинди.

Маълумотларда келтирилишича, хорижликлар машинада сайр қилишаётганда қуролланган шахслар томонидан ўғирлаб кетилган. Ушбу ҳолат бўйича жавобгарликни «Толибон» ҳаракатининг маҳаллий гуруҳи ўз зиммасига олди.

Кеча Корея Ташқи ишлар вазирлиги ҳам ушбу маълумотни тасдиқлади. «Айни пайтда барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз», дейилади вазирлик баёнотида.

Эслатиб ўтамиз, чоршанба куни Афғонистонда икки нафар Германия фуқароси гаровга олинган эди.

### Қидирув тўхтатилди



Бразилия Атлантика уммонига чўкиб кетган «VSB-30» ракетасининг қидирув ишларини тўхтатди. Ракета Бразилия техник-аэрокосмик маркази ва Германия аэрокосмик агентлиги томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, асосан ўқув-тадқиқот ишларини олиб боришга мўлжалланган эди. Унинг бортида биотехнологлар, физиклар, нанотехнологлар, муҳандислар ва тиббиёт ходимлари бор эди.

### Маҳбуслар озод этилди



Кеча Исроил ҳукумати 256 нафар фаластинлик маҳбусни озодликка чиқарди. Бу Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва ХАМАС ҳаракати ўртасидаги келишув самараси, дея хабар беради «Франс-Пресс» ахборот агентлиги.

Озодликка чиққан маҳбуслар орасида олти нафар аёл ва 11 нафар вояга етмаган ўспирин бор. Маҳбуслар қамоқхонадан чиқарилгандан сўнг Рамаллоҳда тантанали равишда кутиб олинади.

### Фожианинг олди олинди

***Кеча «Красэйр» авиакомпаниясига қарашли «Ту-154» йўловчи самолёти «Красноярск-Сочи» йўналиши бўйича қатновни амалга ошириш учун ҳавога кўтарилгандан сўнг йигирма дақиқа ўтгач, чап двигателида носозлик юзага келган.***

Шундан кейин лайнер командири бу ҳақда диспетчерга хабар бериб, орқага қайтишга рухсат сўраган. Жума куни Москва вақти билан соат 14:55 да «Ту-154» эсон-омон Красноярск аэропортига қўнди. Самолёт бортида 127 нафар йўловчи бор эди. Ҳеч ким жабрланмади.

«Красэйр» вакили ушбу ҳолат билан боғлиқ ҳодисани махсус комиссия ўрганиб, аниқлик киритишини билдирди.

### Китобга навбат

Ёзувчи Жоан Роулингнинг Гарри Поттер саргузаштлари ҳақидаги сўнгги китобини харид қилиш истагида бўлганлар кунлаб навбатда туришлари керак.

Мазкур китоб Буюк Британияда бугун савдога чиқарилади. Бироқ кечадан бошлаб одамлар дўконларда турнақатор бўлиб, навбат кутиб туришибди.

Янги китобга ҳозирнинг ўзида АҚШ фуқаролари томонидан икки миллионта буюртма берилган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

ТАЪТИЛ

## Оролбўйи ўқувчилари «Меҳржон» оғушида

Тошкент денгизи ҳудудида жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳида оролбўйилик 253 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. Оромгоҳда уларнинг мириқиб дам олишлари, қизиқарли ўйинлар ва тадбирларда қатнашишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ўқувчилар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишадилар, музейлар ва театрларга ташриф буюрадилар.

Яқинда оромгоҳда бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар меҳмон бўлдилар. Бундай юзма-юз мулоқот ва дастхат билан совға қилинган китоблар дам олувчиларга катта қувонч бағишлади.

**Г.ЙЎЛДОШЕВА.**

**МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**«ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Польша Республикасига ишга таклиф қилиш мақсадида қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:**

- *пайвандчи (электр, газ, аргон билан пайвандлаш);*
- *сунъий материалларга ишлов берувчи мутахассис — полимер жисмларни пайвандлаш, автохизмат кўрсатиш марказларидаги автомашина кузови қисмларини пайвандлашдек;*
- *жисмлар устки қисмига махсус резина қопламаларини ёпиштириш ва текислаш бўйича мутахассис (махсус ёпишувчан елим қопламани эҳтиёткорлик билан темир юзасига ёпиштириш ва ораликларни тўлғазиб текислаш);*
- *темир юзасини бўяш бўйича мутахассис (пулверизаторда бўяш);*
- *темир юзасини қум билан тозаловчи (ишчининг вазни 80 кг.дан кам бўлмаслиги лозим);*
- *металлконструкция монтажчиси (металлни газ билан кесиш ускунасида ишлаш, нуқтали пайвандлаш ва техник ҳужжатларни ўқиш).*

**Мутахассисларга қўйилган умумий талаблар:**

- *ёши — 22-50;*
- *5 йилдан кам бўлмаган малакага эга мутахассислар.*

**Зарурий ҳужжатлар:**

- *паспорт (асли) ва нусхаси — 5 дона.*
- *ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси — 2 дона.*
- *сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси — 1 дона.*
- *меҳнат дафтарчаси (асли) ва нусхаси — 1 дона.*

**Ҳужжат ва аризалар жорий йилнинг 31 июль кунига қадар соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» к., 44-уй, 1-қават, 9-хона. Мўлжал: «Хадра» майдони, «Мебеллар» дўкони орқасида.**

**Маълумот учун телефонлар: 227-08-78, 134-44-13.**

**«Ўзметкомбинат» АИЧБ**

Тўлиқ технологик циклли **рангли металлар ишлаб чиқариш корхонасида** қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:



***Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)***

***Техник тавсифи:***

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.



***Жез (латунь) лента, тунука ва металл тилимлар***

***Техник тавсифи:***

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 2208-91, код ТН ВЭД 740921000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 931-90, код ТН ВЭД 740921000.



***0,5 мм. қалинликдаги мис тунукадан тайёрланган металлчерепица***

**Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истакларини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.**

**Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификациялаш тизими бўйича сертификатланган.**

***Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда етказиб беришга кафолат берамиз!***

***Манзилимиз:***

**Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.**
**Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94, (+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru**

*Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

якка ҳимоялаш воситаларини

ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер ҳужжатлари 2007 йил 23 август куни соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, I-берк кўча, I-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

Телефонлар: 8 10 998 (371) 361-43-69, 55-83-28, 55-75-12.

Факс: 8 10 998 (371) 361-43-69, 361-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

**Қўшимча маълумотлар www.dgMarket.uz сайтида жойлаштирилган.**

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Архитектура ва шаҳарсозлик» кафедраси доценти Дилором Исамуҳамедовага отаси
**Учқун ИСАМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори Анвар Ишмуҳамедовга падари бузруквори
**ЭГАМҚУЛ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси етакчи мутахассис Тоҳирахон Сатторовага волидаи муҳтарамаси
**Мартия ҲОШИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

